



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G ‘ I

20 22 yil “30” 06

№ 186

Toshkent sh.

Даволаш-профилактика муассасаларини бир мартаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлашнинг энг кам миқдорини белгилаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чоратадбирларини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-243-сонли қарори билан тасдиқланган 1-илованинг 10-банди ижроси юзасидан даволаш-профилактика муассасаларини бир мартаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлашни ташкил этиш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишчи гуруҳининг даволаш-профилактика муассасаларида бир мартаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбобларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни ўрганиш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ишчи гуруҳининг ўрганиш натижалари инобатга олиниб, даволаш-профилактика муассасаларини бир мартаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлашнинг энг кам миқдорини белгилаш Тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

- хуудларда фаолият кўрсатаётган даволаш-профилактика муассасаларини бир мартаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлашнинг энг кам миқдорини белгилаш мазкур Тартибга асосан амалга оширилишини таъминласин;

- ушбу Тартиб асосида тақсимотни тўғри амалга оширилиши бўйича назоратни олиб борсин ва ҳар чорак якуни билан вазирликнинг Дори воситалари ва тиббий буюмлар ва жихозлар муомаласини тартибга солиш ва мурувват ёрдамни мувофиқлаштириш бошқармасига ҳисобот тақдим этиб борсин;

- бир мартаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлашнинг энг кам миқдорини белгилашда Тартибга риоя қилинишига ҳудудий бошқарма бошлиқлари масъул этиб белгилансин;

4. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклансин.

Вазир



Б. Мусаев

**Даволаш-профилактика муассасаларида бир маротаба
ишлатиладиган тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлашнинг
энг кам миқдорини белгилаш тартиби**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу тартиб даволаш-профилактика муассасаларида (*кейинги ўринларда-ДПМ*) бир маротаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбоблар (*кейинги ўринларда - тиббиёт буюмлари*) билан таъминлашнинг энг кам миқдорини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

тиббиёт буюмлари — касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган буюмлар;

атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволашда қўлланиладиган талаб юқори бўлган ва аҳоли, тиббиёт ташкилотлари томонидан кўп фойдаланиладиган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 29 июндаги “Тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 60-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2809) тасдиқланган тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган тиббиёт буюмлари;

тиббиёт буюмларига бўлган ҳақиқий эҳтиёж — тегишли ҳудуддаги даволаш-профилактика муассасаларининг Доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси ва дорихоналар томонидан ўтган йилда (йилларда) тиббиёт буюмларининг ҳудуд кесимида ҳақиқий истеъмоли тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқиладиган миқдори;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика муассасасининг Доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика муассасасида ташкил этиладиган тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган, уларни харид қилиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ҳамда қўллашни назорат қиладиган комиссия;

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш муассасалари ва аҳолини тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли

асосда назорат қилиш бўйича республика комиссиясига тиббиёт буюмларининг муомалада бўлиши ҳақидаги маълумотларни ҳар чорақда тақдим этади.

2-боб. Тиббий буюм ва асбобларга эҳтиёжни аниқлаш орқали энг кам миқдорини белгилаш

4. Йиллик ҳисоблаб чиқилган эҳтиёж қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Э_t = C_t \times C_k \times B,$$

Бунда:

$Э_t$ — тиббиёт буюмларига бўлган йиллик эҳтиёж;

C_t — бир беморга бир марталик даволаш курси учун тиббиёт буюмларига сарфи;

C_k — бир беморда бир йилда ўтказиладиган даволаш курслари сони (мавжуд бўлганда);

B — даволаш учун ушбу тиббиёт буюмлари қўлланиладиган беморлар сони (касалланиш).

Амалда ҳисобланиши:

Бир беморга бир марталик даволаш курси учун шприц (5 мл) сарфи:

Беморга бир кунда 2 тадан, 5 кунлик ўртача даволаниш курси давомида эса жами 10 та сарфланади.

Агар бир бемор бир йилда ўртача даволаниш курс сони 2 та бўлса ва ушбу даволаш профилактика муассасасида даволанган беморлар сони 10.000 та бўлса, тиббиёт буюмига (5 мл шприц) бўлган йиллик эҳтиёж қуйидагича аниқланади:

$$200.000 = 10 \times 2 \times 10.000$$

5. Мутахассислар томонидан тиббиёт буюмларига эҳтиёжни ҳисоблашда ДПМларда даволанишга бўлган эҳтиёж ҳақидаги маълумотлар ҳисобга олинади.

Амбулаторияда ва шифохонада даволанадиган беморлар бўйича маълумотларни соғлиқни сақлаш тизимининг статистика органлари тақдим этади.

Тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжнинг якуний ҳисоб-китоби талабни тўлиқ қондириш ва мавжуд қолдиқлар ҳисобга олиниб, улардан ҳақиқатдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларга асосланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассислари ва маслаҳатчилари эҳтиёжни қуйидаги маълумотларни эътиборга олган ҳолда ҳисоблаб чиқади:

- касаллик тўғрисида статистика маълумотлари;
- касалланиш эҳтимоллиги;

- аниқ бир касалликни даволашга мўлжалланган тиббиёт буюмларини кўллаш самарадорлиги;
- тиббиёт буюмларининг жамият соғлиғини сақлашдаги аҳамияти;
- даволаш давомийлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, клиник протоколлари.

7. Тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни аниқлашда қуйидагилардан фойдаланилади:

- ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари;
- клиник протоколлар;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг аҳоли сони, жинси ва ёш таркиби, 1000 нафар аҳолининг шифохонада даволаниш даражаси, тегишли йўналиш бўйича даволанган беморлар сони, асосий ва айрим касалликлар билан касалланиш даражаси бўйича маълумотлари.

8. Тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёж ҳар бир ном бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади. Шунингдек, бу борада тиббиёт буюмларининг ҳақиқий истеъмоли ҳам ҳисобга олинади.

3-боб. Тиббий буюм ва асбобларга эҳтиёжни аниқлаш орқали энг кам миқдорини белгилаш назорати

9. Тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш орқали энг кам миқдорини белгилаш Соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари тиббий-ижтимоий муассасаларнинг доимий фаолиятидаги Хайъатлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 30-сон буйруғида кўрсатилган доимий фаолиятдаги хайъат томонидан ҳар чоракда мониторинг асосида ўрганилади.

Ўрганиш натижалари бўйича маълумот юқори турувчи ҳудудий бошқармалар орқали вазирликнинг тегишли бошқармаларига киритиб борилади.

10. Тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш орқали энг кам миқдорини белгилашга муассаса раҳбарига, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиқлари шахсан масъул ҳисобланади.